



ЎЗБЕКИСТОН

ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЙOSИЙ-ИЖТМОИЙ ГАЗЕТАСИ

2001 ЙИЛ 17 НОЯВР ♦ SHANBA ♦ № 136 (26.838)

ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий таширф билан Қозоғистонга жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдиан оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

— Халқимизда «қўшнинг тинч, сен тинч», деган мақол бор, — деди жумладан Ислам Каримов. — Бу гап дини, тили, тарихи, урф-одатлари бир бўлган қозоқ биродарларимизга ҳам бево-сита тааллуқлидир. Шундай экан, минтақамизда нотинч вазият юзага келган бир пайтда ўз қўшнилариимиз билан янада жипслашиш, янада иноқ бўлиш жуда зарур.


Хозирга қадар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида иқтисодий, сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришни кўзда тутувчи 130 дан ортиқ ҳужжат имзоланган, деб давом этди давлатимиз раҳбари. Бу икки томон учун ҳам, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос бойликдир. Зеро, ушбу ҳужжатлар давлатларимиз, халқларимиз ўртасидаги яқин қўшничлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бу галги таширф давомида Қозоғистон раҳбарияти билан

ана шу ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан яна бир бор фикрлашиб олиш режалаштирилган. Шунингдек, бўлажак учрашувларда давлатларимиз ўртасидаги чегараларни демилитация қилиш, яъни чегараларни тугал аниқлаб олиш масаласини ҳам муҳокама этиш кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбари шунини маълум қилар экан, бу масалани икки давлат ўртасида «темир девор» ўрнатилар экан, деб тушунмаслик кераклигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари аввалгилек бемалол борди-келди қилардиларди. Фақат икки мустақил давлат халқаро ҳамжамиятда тан олинган андозалар асосида чегараларини ўзаро аниқлаб олиши зарур, деди Президент.

Мамлакатимиз раҳбарининг Қозоғистонга расмий таширфи чоғида икки давлат ўртасида қатор янги қўшма ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

■ Саидмурод РАҲИМОВ, ЎзА мухбири



САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Остона. 16 ноябрь.
ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Остона аэропортида Президент Ислам Каримовни Қозоғистон Республикаси Бош Вазир Қосимжумард Тўқаев, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Даниэл Ахметов, Остона шаҳри ҳокими Одибек Жақсибеков кутиб олди.

Мамлакатимиз делегацияси катта иззат-иқром билан қарши олинди. Шаҳар олий мартабали меҳмонни шарафловчи шиорлар, икки мам-

лакат давлат байроқлари ва Ислам Каримов суратлари билан безатилган.

Қозоғистон Президентининг саройида Ўзбекистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг, Президентлар ўз-ўзига юз сўхбатлашди. Сўхбат чоғида икки томонлама алоқалар ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирилди. АҚШдаги сентябрь фожиасидан сўнг дунёда юзага келган вазият муҳокама қилиниб, терроризмга қарши курашда барча давлатлар ҳам-жиҳат бўлиши кераклиги таъ-

килданди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ва томонларни қизиқтирган бошқа кўплаб масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида Президентларнинг сўхбатига кўтарилган мавзулар муҳокама маси давом эттирилди.

Музокара якунида Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг қўшма баёноти ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзо чекди. Ташқи ишлар вазирлари даражасида эса чегара масалалари бўйича ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар тўғрисида шартнома имзоланди. Ислам Каримов айтдики, мазкур ҳужжати имзолаш орқали биз учта муҳим ишни амалга оширдик. Биринчидан, чегара масаласида бир-биримизга эътироз йўқлигини тасдиқладик. Ик-

кинчидан, тўла ҳуқуқий муносабатлар ўрнатишга шароит яратдик. Учинчидан, ҳар хил ифвогарларнинг уйдирмаларига батамом чек қўйдик.

Оқшом Президент Ислам Каримов шарафига Қозоғистон раҳбари номидан қабул маросими уюштирилди.

Эртага Ислам Каримовнинг Остона сафари якунланади. Тошкентга қайтиш олди-дан давлатимиз раҳбари Ватан ҳимоячилари ёдгорлигини зиёрат қилади.

■ (ЎзА)

◆◆◆

Суратда: Президентлар учрашуви.

Мухаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

қизлари жавоб берар экан, жумладан, бу галги концерт дастури ёшидан қатъи назар барча учун мўлжалланганини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, гуруҳ аъзолари ўзларининг шахсий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳам гапирди берди. Бир сўз билан айтганда, учрашувда кўшиқ, кўшиқчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат ҳақида сўз борди.

■ Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

ФАОЛЛИҚДА ГАП КЎП

ЎзХДП «Ешлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши ташаббуси билан Тошкент давлат техника университетининг ётқонхоналаридан бирида ўтказилган йиғинда юртимизни янада обод, одамлар ҳаётини фаровон қилиш учун турфа фикрлилик зарурлиги таъкидланди.

— Бу тараққиёт калитидир, — деди унда сўз олган «Ешлик» шаҳарчаси ҳокими Аъзам

Ақромжўраев. — Бу ҳаракатда мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан қурашга бел боғлаган ЎзХДП шубҳасиз олдинги сафда бормоқда.

Йиғилишда ЎзХДПга аъзо бўлишга ариза ёзган 25 талаба илтимоси қондирилди. Талабалар кенгаши раиси Собир Хотамов, ўқув ва тарбиявий ишлар фаолларидан Ақром Абдужабборов, Улугбек

ХДП ХАБАРИ

Тўхтаев, Асқар Салимов, Фарход Юнусов сингари талабаларга туман ҳокимлиги ва партия кенгашининг совга-саломлари улашилди.

ЎзХДП МК котиби Аслиддин Рустамов 10 мингдан ортиқ талаба истиқомат қилаётган мазкур талабалар шаҳарчасида бундай йиғинлар кўпроқ ўтказилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

■ Мамъуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«СЕТОРА» ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбек эстрада кўшиқчилик санъатида ўзига хос оҳанг билан кўпчиликни мафтун этаётган «Сетора» гуруҳи журналистлар билан мулоқот ўтказди.

Миллий матбуот маркази

да бўлиб ўтган ушбу учрашув гуруҳнинг яқинда «Сапқлар Дўстлиги» саройида бўлиб ўтадиган катта концерт дастурига бағишланди. Журналистларни қизиқтирган саволларга «Сетора»

«Бошдан ошган» ТАШВИШЛАР

Тўрт мучаси соғ бўлишинг ўзи ҳам бахт. Ахир, ҳаётда ногиронлар қамми? Кимдир бу ёруғ оламни кўриш бахтидан мусово бўлса, кимгадир тил-забон ато этилмаган. Начора, Оллоҳнинг иши-да. Қўлимиздан нима келарди... Фақат... уларга эътиборлироқ, муруватлироқ бўлсақ эди.

Йўқ, кўпинча буни ҳам унутиб қўямиз.

Бундан бир икки ойлар аввал Сурхондарёга республика Карлар жамиятининг раиси Фарида Паромонова келган эди. Очиги, вилоятдаги қар ва соқовларга эътибор қоникарлироқ бўлганда муҳарририятимизда бўлган сўхбат эҳтимол куйидагидек мазмунда бўлмас эди.

— Республикада 20 мингдан кўпроқ қар ва соқовлар бор, шундан 7 мингдан зиёроғи болалар, — дейди у. — Сурхондарёда эса 1200 га яқин ана шундай ногирон бор. Шулардан 300 дан кўпи ёш болалар. Раҳбарларимизга кўп бор

мурожаат қилдик. Хусусан, Термиз шаҳар ҳокимлигига ҳам учрашдик. Бирон-бир кўмак бўлмапти. Фақат футбол тўпидай сарсон қилишади, нахот хойилларни жалб қилиш, ўксик дилларнинг холини сўраш шунча лар қийин бўлса?!

— Тўғри, вилоятда қар ва соқовлардан ташқари ҳам бошқа туғма ногиронлар бор. Ҳатто ногиронлар жамияти деган ташкилотга ҳам бугунги кунда эътибор яхши эмас.

Бу гаплар Дилбар Раҳматуллаева деб таништираган аёл — Сурхондарё вилоят карлар жамияти раисининг юрагини тирнади:

— Ҳа, ҳа, — дея бош силкичи гапимизни тасдиқлаганча, у ҳам сўзлай кетди:

— Утган йиллар жамиятимиз-

га Термиздаги 5-даҳада жойлашган вилоят ижтимоий таъминот бўлимига тегишли бинодан бир хона ажратишган эди. У ердан бизни қувийди. Шаҳар ҳокимига бўзчининг моксидай ҳокимликдаги масъул кишиларга уларнинг қуноиб гапирган сўзларини етказдик. Ҳеч бўлмаганда ана шундай ногиронларга доимий гапурликлар қилиш йўлга қўйилар, дея умид қилдик.

Ахир, бугунги кунда республикада нафақат ногиронлар, балки кам таъминланган, қаровчиси йўқ кишиларни ижтимоий ҳимоя қилишга бош масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Бир пайтлар ногиронларни махсус иш ўринлари билан таъминлаш, уларнинг спорт билан шугулланишига ҳам эътибор қаратилар эди.

Тан олмак жоиз: бугунги кунда Сурхондарё вилоят Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси (бошлиғи Абдулло

ОЧИҚ ГАПЛАР

Мавлонов)да ногиронлар тугул, соғлом, меҳнатга қобилияти юз фоиз бўлган минглаб одамларга ҳам янги иш ўринларини ташкил қилиш тартиби билан танишганимизда мавжуд ташкилот ва корхоналарнинг бўш ўринлари (агар бўлса) ҳақидаги маълумотнама ҳисоботларни йиғиш билан банд бўлиб қолгани ойдинлашди.

Дарвоқе, яқинда вилоят карлар жамияти ва ногиронлар жамиятининг раисларини учратиб: — Узғаришлар борми? — дея кўнгил сўрагандай бўлудик:

— Ҳа, ўзғаришлар катта, — дейишди улар кино аралаш синик оҳангда, фақат ижобий томонга эмас, аксинча...

Мутасаддилар: «Сизлардан ҳам бошқа ташвишимиз бошимиздан ошиб ётибди», дейишган экан...

■ Абдураҳул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

қизлари жавоб берар экан, жумладан, бу галги концерт дастури ёшидан қатъи назар барча учун мўлжалланганини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, гуруҳ аъзолари ўзларининг шахсий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳам гапирди берди. Бир сўз билан айтганда, учрашувда кўшиқ, кўшиқчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат ҳақида сўз борди.


■ Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

ҚЎПОРУВЧИЛИК ОҚИБАТИДА

Ҳисоб-китобларга қараганда, 11 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида содир этилган қўпорувчилик туфайли АҚШ 83 миллиард доллар миқдорда зарар кўрган. Шунингдек, 125 минг киши доимий иш жойидан айрилган.

МОЛИЯ ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИ

Канадада «Гуруҳ-20»га аъзо бўлган давлатлар молия вазирлари ҳамда марказий банк раҳбарларининг навбатдаги йиғилиши бошланди. Икки кун давом этадиган ушбу анжуманда террорчиликка қарши кураш, молиявий инқирозларни ўзаро ҳамкорликда бартараф этиш ҳамда интеграциялашув жараёнини янада тезлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.



КУРОЛ ОМБОРИ ТОПИЛДИ

Бирлашган фронт қўшинларининг патрул хизмати Кобул жанубида «Ал-Қаида» ташкилотига тегишли йирик курол-аслаҳа омборини топди. Омбордан курол-яроғдан ташқари араб тилидаги турли адабиётлар ҳам топилган.

ЁРДАМ ЖЎНАТИЛДИ

Таиланд Покистон, Эрон ва бошқа давлатлар ҳудудида яшаётган афгон қочқинларига инсонпарварлик ёрдами жўнатди. Мамлакат бош вазир Тақсин Чинаватнинг айтишича, озиқ-овқат, дори-дармон ва иссиқ кийимлардан иборат бу ёрдам халқро инсонпарварлик ташкилотлари кўмағида тегишли манзилларга етказилмоқда.



ХРОНИКА

ЯНГИ ҲУКУМАТ ТУЗИЛМОҚДА

Кейинги кунларда Шимолий иттифоқ бирлашган қўшинларининг ғалабалари тобора кенгайиб, яққол кўзга ташланмоқда. Америка ҳарбий кўмондонлиги ўз тактикасини ўзгартирмоқчи. Энди улар оммавий бомба зарбалари беришни тўхтатмоқчи. Айтини пайтда махсус хизмат вакиллари билан қабул бераётган зарбалари ва аниқ ҳаво ҳужумлари сезилиб турибди. Кун кеча АҚШ ҳарбийлари Қандаҳор яқинидаги «Ал-Қаида» ташкилотини раҳбарияти тўпналдиган бинога бомба зарбалари берди. Бинодагиларнинг барчаси ҳалок бўлди. Американинг вертолётларидан туширилган махсус хизматчилар Жанубий Афғонистоннинг йўлларида кўчма блок постлари ташкил этишди. Мақсад Бин Лодин ташкилотининг раҳбарларини ва «Толибон» вакиллари кўлга тушириш.

Толибларга қарши бирлашган фронт, унинг асосини ташкил этувчи Шимолий иттифоқ гўлиб сифатида ўтиш даври ҳукуматини тузиш ҳақида эълон қилди. Юқори лавозимларга иттифоқнинг етакчи раҳбарлари тайинланди. Абдулло — ташқи ишлар вазир, Юнус Қонуний — ички ишлар вазир, Мухаммад Фаҳим — мудоффаа вазир қилиб тайинланди. Вақтли мамъурият Афғонистондаги толиб-

лардан ташқари барча гуруҳларни ҳамкорликка чақирди. Иттифоқ томонидан назорат қилиб турилган Афғонистон радиоси эса Мухаммад Фаҳим раҳбарлигида хавфсизлик кенгаши тузилишини эълон қилди. Ушбу ташкилот уч ой ичида «Миллат бирлигининг олий кенгаши»ни чақиритиш зарур. Шундан сўнг мамлакатнинг келажаги маълум қилинади. Айтини пайтда иттифоқ томонидан толибонлардан озод этилган вилоятларга раҳбарлар тайинланмоқда. БМТ Бош қотибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Лаҳар Браҳими ҳам бу ҳаракатларни маъқуллади. Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахти Абу-Дабида бўладиган кенгашида бу масалалар кенгроқ муҳокама қилинади.

Яна шунини таъкидлаш керакки, Франция ташқи ишлар вазир Юбер Ведрин «Монд» газетасига берган интервьюсида Афғонистонда тартиб-интизом сақлаш учун тезроқ халқаро тинчликпарвар кучларни киритиш лозимлигини айтди. Бу кучлар энг аввало фуқаролар, шаҳар ва аэропортлар хавфсизлигини таъминлайди, деди у.

Хабарларга қўра, Франция ҳам мазкур операцияда иштирок этмоқчи ва Мозори Шариф ҳудудида ўз қўшинларини жўнатиш учун тайёрларлик кўрмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121

ФМТ-1

АБОНЕНТЛИК	Газета	220									
Ўзбекистон ОВОЗИ											
Нашр индекси											
Обуна сони											
2002 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга			(почта индекси)			(манзилгоҳ)					
Кимга			(Фамилияси, исми ва отасининг исми)								

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси											
п.в	Жойи										
220											
Нашр индекси											
Ўзбекистон ОВОЗИ											
Обуна янги манзилга юбориш											
Баҳоси	сўм	обуна сони									
Баҳоси	сўм										
2002 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга			(манзилгоҳ)								
Кимга			(манзилгоҳ)								

Чўлда ҳар бир ўзгариш тез кўзга ташланади. Сўлим боғлар, янги қад кўтарган иморатлар, кичик бўлса-да, катта ишни амалга ошираётган корхоналар... Уларга қараб туриб, вақт шиддати ва вақт сўроғини кўраман.

Эсимда, олтинчи йилларнинг охири эди. Тошкент давлат дорилфунунининг журналистика факультетига ўқишга кирмоқчимиз. Ҳужжатларни эски «сквер»даги бинода олишувди. Биринчи имтиҳон ўтадиган кунга келсақ, Талабалар шаҳарчасида, қайсида биносиди бўларкан. Қишлоқдан келганмиз, шаҳарни

ИСТИҚЛОЛ САОДАТИ

нини ўрганишмоқда. Ўз оиламдан бошлаб кўя қолай. Шўхратжон ўғлим аспирантурани битириб, Қарши университетиде ишлаяпти. Ойбек, Азиза, Отаним, келиним Муъаттар ўқутувчи, яна бир келиним Феруза шифокор. Фарзандлари камойиласида қобилиятли ёшлар камолга етсин. Агар 21 та мактабда 14 мингдан ошқ 6ш таълим олаётган бўлса, улар камолга етгач, чўли янада обод қилишларига ишонамиз. Бироқ тadbиркорлик, қайта ишлаш саноатини хозирдан ривожлантириш лозим. Очиги, бу соҳада мактаоламизмизу, лекин умид нишонларини бор. Рўзибой Тошев оддий савдо ходими эди. «Жасурбек» кичик корхонасига асос солиб, қандолат махсулотлари ишлаб чиқармоқда. Бу билан ҳам қаноатланмай, 40 гектар ерда пахта, галла етиштирмоқда.

Чўл шароитида туманларнинг бирдан оёққа туриши, саноат ва тadbиркорликни ривожлантириши, истиқболли лойиҳаларни юзага чиқариши осон эмас. Шундай дегани «Жейнов» кооператив-ширати қилаётган ишларга қараб, ҳар қандай катта мақсадларни омилкор кишилар амалга оширишди, деган фикрга келаман. Шу ҳўжалик ҳар йили галла-пахтадан катта даромад олапти. Ўз хисобидан 50 ўринли шифхона куриб берди. Беморларга дори-дармон, болаларга китоблар сотиб олиб берапти. Ночор оилаларга уй-жой қурмоқда. Бу йил хорижий инвестицияни жалб этиб, ақойиб сўт-пишлоқ корхонасини куриб олишти.

Демак, келажакка талпиниб, келажак учун меҳнат қилиш керак. Кўпчилигимизни Миришкор, деб аташган қадимдан. Бугун барча соҳани миришкор, тadbиркорли бўлиш лозим. Ана шундайгина қадимдан, тараққийддан орда қолмаймиз.

■ **Эли ҲАМРОЕВ,**
У. Юсупов туман
хокимисини ўринбосари.



КЕЛАЖАККА ТАЛПИНИБ

билмаймиз.

— Тақси тутамиз, — деди ҳамроҳим.

— Кечикмайлик-да, — дейман юрагим ҳаққириб.

Бошқалар бизга ишонмай қолишти. Хайтовур ўз вақтида етиб борибмиз. Кечикканларни имтиҳонга киритишмади. Ҳўқиди, ҳаёт ҳар биримизнинг олдимизга ўз талабларини кўйди. Мен раҳбарлик ишларида ишлаб кетдим. Чўли кездим, ўзгаришларни ўз кўзим билан кўрдим. Шу-шу ҳаётда кечикмаслик, орда қолмаслик керак, дейман. Биз-ку ўшанда шаҳарнинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига ўз истиқболимизга эриша борибдик. Бугунги қаранг! Америка, Япония, Франция, Германия, кўйинги жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларига ёшларимиз бориб, таълим олишяпти. Ёшларимиз юртва қудрат баҳишида этувчи тараққий сирлари, истиқлол фа-

лидан мамнун оилалар қанча. Чўки истиқлол туфайли таълим соҳасида бемисл ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу таълим жараёнларининг халқро андозаларга мослашувидега эмас. Ахир, миллий кадриятлар, урф-одат, ахлоқий тушунчалар ҳеч қанча қадрини йўқотмади. Бу улкан ўзгаришлар чекка қишлоқларда ҳам замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар бино бўлаётганида яқол кўзга ташланади. Масалан, Жейнов қишлоғида 900 ўринли саноат, транспорт ва алоқа йўналишидаги касб-ҳўнар коллежи курилмади.

Туманидаги етмиш еттинчи йили Қарши чўлида ташкил топган. Асосий тармок — деҳқончилик бўлиб келди. Энди қишлоқларга саноат кириши, тadbиркорлик ривож топиши лозим. Ана шу коллежда таълим олган ёшлар кичик корхоналарда меҳнат қилсинлар. Ҳар бир чўлқувар

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг ўн йиллигига бағишланган тadbирлар ҳамда «Терроризм — тараққий душмани» мавзусидаги очик партия йиғилишлари барча вилоят, шаҳар, туман партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётганлиги тўғрисида жуда кўп хабарлар олмақдамиз. Аммо, газета саҳифаларида уларни батафсил ёритиш имконияти йўқлиги сабабли, мисол тариқасида, баъзи бирлари тўғрисида тўхталиб ўтишни лозим кўрдик:

Чирчиқ шаҳрида, «Терроризм — тараққий душмани» мавзусида, шаҳар партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бошланғич партия ташкилотлари котиблари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ХДПдан сайланган депутатлар, маҳалла кўмиталари раислари республика жамоат ташкилотлари шаҳар бўлималяри раҳбарлари иштирок этдилар. Йиғилиш кўн тартибидеги масала бўйича шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Д.Азизхўжаев маъруза қилди.

Мажлисда «Ўзбекиммаш» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотлари котиби Н. Роспар, «Электротехпром» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотлари котибининг ўринбосари С. Ёқубов, шаҳар «Манавият ва маърифат» маркази раҳбари Ж. Алимова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Мажлис иштирокчилари яқдлик билан Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримов бошчилигидаги мамлакат ҳўкуматининг ташкилоти ва таълим сибсатини, ҳўсуян, терроризмга қарши тугтан фаол йўлни қўллаб-қувватладилар.

■ **Шаҳрисабз туманидаги Болта**
Фозилов номи жамоа ҳўжалигида
бўлиб ўтган йиғилиш ҳам терроризмни йўқ қилиш масаласи-

га қаратилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг ўн йиллигига бағишланган йиғилишлар, «давра сўхбатлари», учрашувлар ХДП Андижон вилоят ва Андижон шаҳар кенгашларида, Андижон тумани газлаштириш идорасида бўлиб ўтди.

ХДП Булоқбоши туман кенгаши «Булоқбоши ипаги» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотини негизда «Балли, котиблар!» танловини ўтказди. Шунингдек, йиғилишда ХДП аъзоси — тadbиркор Гулсара Имомбоевнинг «Найманлик тadbиркор аёл» номли китобининг тақдимоти бўлди.

ХДП Богдод туман кенгаши «Намуна» ширкат ҳўжалигида ҳудудий партия ташкилотлари котиблари йиғилишини ўтказди. Унда ХДП Богдод туман кенгаши биринчи котиби Р. Йиғиталиев «Миллий истиқлол ва демократик ислохотлар партияси» мавзусида маъруза қилди.

ХДП Хоразм вилояти кенгашида ўтказилган «бир пиёла чой» устидаги сўхбатда партия фаолларига Фахрий ёрликлар, Ташаккурномалар ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

ХДП Фарғона вилоят кенгаши байрам тadbирларини пахта дала-ларига кўчирди. Оқунбоев тумани Н. Алигаҳаров номи, Бешарик тумани «Рапкон» ширкат ҳўжалигидаги шийонларда бўлиб ўтган учрашувларда «Мулоқот-журнали ижодкорлари иштирок этдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК**
матбуот хизмати



СУД ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

Ўтган кўни Маҳачқалъада террорчи Салмон Радуев устидан суд жараёни бошланди. Россия Федерациясини Бош прокурори Владимир Устиновнинг сўзларига қараганда, бу мамлакат тарихидаги мисли кўрилмаган суд жараёнидир.

Генерал Радуев армияси деб аталган кўшин кўмондони ва унинг шериклари Турпалали Атирреев, Асланбек Алхазаров ва Ҳўсайн Ҳасмоевлар жинояти бўйича иш 129 томадан иборат. Иш юзасидан 3027 та жабрланган кишилар тингланади. Суд жараёнига 180 гўвоҳ, шунингдек Россия Федерациясининг собиқ ички ишлар вазири Анатолий Куликов ва РФ Федерал хавфсизлик хизмати собиқ директори Михаил Барсуков ҳам чақирикнома билан тақлиф этилган.

Айбланаётган шахсларнинг асосий жинояти — 1996 йилнинг январь ойида Догстоннинг Қизлар шаҳрига ҳўжуми-дор. Ушанда 78 киши куриб бўлганди. Террорчилик ҳаракати оқибатида 260 миллион рубль моддий зарар кўрилганди.

МУБОРАКНИНГ ОГОХЛАНТИРИШИ

Миср Президенти Ҳўси Муборак Америка Кўшма Штатларини Исроилга кўр-кўрона харбий ёрдам бермасликка чақирди. У огохлантириди, агар бундай ҳол давом этаверса, унда яҳудийлар давлати билан кўшин бўлган мамлакатлар ҳам ядровий, кимёвий ва биологик қуролларга эга бўлишга интилиши мумкин. Муборакнинг фикрича, шундан сўнг дунё ҳалолат ёқасига келиб қолади.

БУНДЕСВЕР ЖАНГА ШАЙ

Германия Федератив Республикаси канслери Герхард Шрёдер бундесвернинг 3900 аскарини терроризмга қарши халқро курашчилар сафига қўшилишини тарихий воқеа, деб баҳолади. Бу ҳаракат Вашингтоннинг илтимосига биноян амалга оширилди. Аслида эса, ГФР АКШ томонидан Афғонистонга берилаётган ҳам зарбаларни бошлангандан буюн бу ҳаракатда фаол қатнашмоқда.

Аслида, немис кўшинларининг Афғонистондаги чекланган тарихий қандай бўлади? Тахминан 800 аскар 200га яқин «Фукс» махсус бронетранспортерларининг экипажига сифатида иштирок этади. Булар ёрдамида маълум ҳудуднинг атом ёки кимёвий қурол билан захарланганлигини аниқлаш мумкин. Душманга қарашли ҳудуддаги муҳим нуқталарни забт этиш учун мўлжалланган 100 кишилик махсус отряд ҳам ҳўжумга отланади. 250 киши эса ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқиш билан шуғулланади. Харбий ҳаво қўчқарининг 500 хизматчиси эса Трансалл С-160 самолётлари ёрдамида харбийларни ташши билан банд бўлди. 1800 харбий эса харбий-денгиз қўчқарининг кемалари ва самолётларида хавфли юкларни ташийдиган кемаларни кўриқлаб боради.

ЎЗИ ХАБАР БЕРАДИ

Бир вақтлар орзу қилар эдик: ўсимликлар ҳам гапирса, биз билан дардлашса, деб. Уша орзулар ушаладиган замоналар келяпти шекилли, фан-техника ривожини кўриб ишонгинг келяди.

Гап шундаки, Исроилда ўсимликларнинг сўғориш зарурати ҳақида телефон орқали хабар бериш тизими ишлаб чиқилибди. Тизимга кўра бу ҳақда ўсимликларнинг ўзи кўнғирок қилишар экан. Шу ўринда қандай қилиб, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жаоб шуки, ўсимликларга ва унинг ёнидаги тўпроққа махсус ўлچагичлар ўрнатилди. Улар ҳар 10 дақиқада оператор пультига ўсимликлар аҳоли, сув ҳажми ва бошқа шунга ўхшаш ахборотларни юбориб туради.

Сувсизлик, яъни қанчақш юз берган тақдирда ўлчачиглар бошқарув пультига сигнал юборида ва ўсимликлар ёқими овозда навбатчи оператор телефониде «Бизни сўғор!» деб илтимос қилишди. Оператор эса тегишли тумчаларни босиб, керакли жойлардаги томчи ёрдамида сўғориш тизимини ишга туширади.

КИРИШДАН ОЛДИН ТАТИБ КўРИЛАДИ

Дунёда мусульман кўп. Турлари ундан-да кўп. Миқозларни жалб этиш усуллари ҳам турлича. Мана масалан, Франциялик Филипп Ангина ўз шаҳрида сардина балиғи музейини ташкил этди. Албатта, музей кўргазмаларида жонли сардиналар типирчилаб ётгани йўқ, балки уларнинг кўриниши акс эттирилган санъат асарлари, ҳайкалчаалар, улар билан боғлиқ турли-туман буюмлар экспонатларга қўйилган. Фақат диққатга сазовор томони шундаки, музей олдиде тузланган, дуудланган, музлатилган, қовурилган, қайнатилган, яна бошқача усуллар билан пиширилган сардина таомлари диомонгизни қутқилади. Бу албатта, бу таомлардан татиб кўриб, музейга кирганингизни билмай қоласиз.

МАСАЛАГА ХОЛИС ЁНДАШСАК

Маълумки, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш, газ ва ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш ҳаммиша баҳсли масала бўлиб келган. Коммунал хизмат кўрсатишини замон талаблари даражасида шакллантириш мақсадида Президентнинг «Коммунал хизматни бошқаришни янада ислох қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниб, коммунал хизмат кўрсатиш вазирилик негизида «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги ташкил этилди. Ҳўш, эндиликда соҳада қандай ўзгаришлар юз берди?

— Жойлардаги органлар орқали мавжуд муаммоларни бартараф этишга ҳаракат қилляммиз. Турри, бу йил совуқ эрта тушганлиги учун кузги-қишки мавсумини тайёргарликларга ўз вақтида ҳозирлик кўролмадик. Шу боис бироз етишмовчилик сезилди. Эндиликда бу қийинчиликларни ечиш чораларини кўрмоқдамиз, — дейди Агентлик директорининг биринчи ўринбосари Ҳўсан Нигматов яқинда ОАВ ходимлари билан бўлиб ўтган йиғилишда.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Собик вазирилик фаолияти даврида аҳолига коммунал хизмат кўрсатишининг барча тури унинг зиммасида эди. Муаммоларни ҳал этишга келганда вазирилик масъулиятини ҳудудий органларга юқласа, ўз навбатида ҳудудий органлар вазириликка орқа қилар эдилар. Натияжада, арзимаган муаммо ўз ечимини топмай, одамлар оворай-сарсон бўларди. Фармондан сўнг мавжуд хизматлар Агентлик ҳамда вилоят, туман ва шаҳар ҳўкимликларига қарашли ҳудудий коммунал хизмат кўрсатиш бирлашмаларига юқлатилди. Аҳоли бевосита ҳўкимликларга мурожаат этадиган бўлди. «Ўзкоммунхизмат» Агентлигининг асосий вазифалари эса қуйидагилардан иборат: аҳолини табиий ва сулутирилган газ билан узлуксиз таъминлаш, минтақаларо сув қувурларининг барқарор ва ишончли ишлашини таъминлаш, коммунал хизмат қўмушларини маводийлаштириш, мейёрий-ҳўқуқий ҳўжатлар, техникавий-иқтисодий шартларни ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш, тармоқда хорижий сармоялар ва технологияларни жалб қилиш.

Анжуманда кўпчилик журналистларни қизиқтирган савол аҳолига уй-жой коммунал хизмат кўрсатишининг айна пайтда қандай ҳал этилаётганлиги бўлди. Бироқ, Ҳўсан Нигматов бу масалалар агентлигининг вазифасига кирмаслиги, улар жойлардаги ҳудудий бирлашмаларга қарашли эканлигини қайта-қайта таъкидлади. Ҳақли савол туғилади: шундай экан, нега йиғилишда уша бирлашмалардан вакиллар иштирок этмади? Ахир, бу масалаларга агентлигининг дахли бўлмасда-да, уларни кимдир ҳал этиши керак-ку!

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқ жоизки, кўпинча лоқайдлик ва эътиборсизлик сабаб айрим муаммоларнинг туғилишига ўзимиз ҳам сабабчи бўламиз. Айтайлик, айрим кишилар оддий гўгуртни тежаш учун сутқалаб газ плиталарини ёқиб қўядилар. Бу эса газ босими пасайишига олиб келяди. Демак, газ ва сув таъминотидаги узлуксизлик ўзимизга ҳам боғлиқ.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
«Ўзбекистон овози» муҳбири

Тарих бу авлодлар хотираси, ватанпарварлик тўғусидир. Ватанпарварга эса юрт тарихи улуг бир нарсаси, унинг учун бебаҳо ҳаётини, жонини ҳам фидо қилишга тайёр. Тарих тарихлигича қолади. Чўнки, тарихдан ҳаётий сабоқ олиб олган бориш лозим. Кўвонарлик шундаки, Ўзбекистон мустақилликка эришган, тарихга рўйи-рост, тарихий ҳақиқат доирасида баҳо бериш бошланди.

Тарихдан маълумки, чор Россияси Ўрта Осиёга ўз юришларини 1865 йилдан бошлаган. Тошкентни босиб олиб Кўқон ва Хива хонлиқларидан тортиб олган ҳудудларда Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилган. Биз кўтармоқчи бўлган масала Ўрта Осиё босиб олингандан кейин Россияда зарб қилинган орден ва медаллар ҳақида — Ўрта Осиёга


юришлар учун — 1876 йил медаллари. Бу медаллар «сахийлик»дан далолат беради.

Авалло уларни Скобелев, Кауфман ва Черняев каби генераллар кўксиларига таққанликларини биламиз. Орден ва медаллар мафқуранинг бир бўлаги бўлганлиги сабабли барча тақдирланганларни олқишлаганлар. Нишондорлар эса мағрурланиб, кўқрақларини кериб юрганлар. Эҳтимол, уларнинг айримлари: «Мен Кўқонни забт қилдим», «Мен Ўрта Осиёга

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

ҳажми уч баробар ортиб, саноат талабининг ярмидан кўпини ташкил қилган.

Оқ подшо томонидан Туркистон ўлкаси забт этилгандан сўнг Сирдарё, Семипалатинский ва Еттисув вилоятлари ҳудудларини ўз ичига олган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилган. Туркистонни Россияга бўйсундириш тепасида Кауфман, Скобелев, Черняев каби генераллар турган.



БОСҚИНЧИЛИКНИНГ ТАҚДИРЛАНИШИ

юришда қатнашганман», деб керириланди.

Россиянинг жануб томон юришининг сабабларидан энг муҳими — тўқимачилик саноатига пахта толасининг етишмаслиги эди. Россиянинг бу саноати XIX асрнинг 60-йилларига Америка пахтасида ишлаш эди. Шу даврга келиб, Америкадаги фуқаролар уруши сабабли пахта етказиб бериш тўхтаб қолган. Ўрта Осиёдан Россияга келаятган пахтанинг



қилинган юришлар учун тақдим этилган медалларни далил сифатида халқимизга кўрсатиш. Қўлимизда «Хива учун юриш» — 1873 йил, «Кўқон хонлигини забт қилиш учун» — 1875 йил, «Ўрта Осиёга

АҲОЛИ МИННАТДОР

Ҳўжайли туманида мустақиллик йиллари катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Айниқса, овул аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш ва хонадонларни газлаштиришда кўп ишлар қилинмоқда. 146 минг аҳоли яшаётган туманда хонадонларни юз фоиз газлаштирилди. «Найман», Ҳамза номи, «Дўстлик», Ойбек, Оқунбоев номи, «Тошкент», «Бекёб», П. Холмуратов номи, «Оқ олтин», «Амударё» каби ўнлаб ҳўжаликларнинг аҳолиси айнакча миннатдор.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
«Ўзбекистон овози» муҳбири

ХУСУСИЙ ФИРМА

ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ

ТРАКТОРЛАРИ ВА ЮК

АВТОМАШИНАЛАРИНИНГ

аккумуляторлари, шиналари ва эҳтиёт қисмларини Тошкентдаги омборларидан сотади. Барча товарларни уша жойда бемапоп кўриш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳар, Усмон Носир кўчаси, 130-ой. «Ҳосилот» мехмонхонаси қаршисида.

ТЕЛ.: 53-72-56, 53-76-75, 50-2171

APLOVIT

ОЗИШ ВА ҚАДДИ-ҚОМАТНИ ЯҲШИЛАШ

УЧУН ТАБИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚўШИМЧАСИ

NEW

APLOVIT

— ҲАЁТ МАНБАИ!

БУНГА ҚўРБИНГИЗ ЕТАДИ

ОРТИҚЧА ВАЗДАН ҚУТИЛИНГ,

ҲАЁТ ҚУВОНЧИ ВА ЎЗИНГИЗГА

ИШОНЧНИ ҲИС ЭТИНГ

БИРТАЛИҚДА ОЗАЙЛИК!

Ишлаб чиқарувчи — «GRACE INTERNATIONAL LIMITED» шўса корхонаси

Телефон: (998-71) 199-56-43

ОАО «ТЕМИРЙЎЛТАЪМИН»

Изменения в проспекте эмиссии ОАО «Темирйўлтаъмин» № P0001 НИИ РУ101P0001Т3 от 01.03.1999года Пункты 2,5 и 7 раздела II читать в следующей редакции:

Перераспределение пакета акций акционерного общества согласно постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан №119 от 09.03.2001г.

Всего	Гос. доля	Доля трудового коллектива	Доля иностранного инвестора	Доля свободной продажи
100%	25%	10%	25%	40%
128519 штук	32130 штук	12852 штук	32130 штук	51407 штук
128519000 сум	321300000 сум	128520000 сум	321300000 сум	51407000 сум

Пакеты акций считать полностью размещенными. Настоящие изменения являются неотъемлемой частью проспекта эмиссии № P0001 НИИ РУ101P0001Т3 от 01.03.1999года Наблюдательный совет.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР

ДУРДОНАЛАРИДАН*

ЭПИМЕНИД — КАДИМГИ ЮНОН ДОНИШМАНДИ. МИЛОДДАН АВАЛЛИ 588 - 530 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН.
Валийларга фақат содир бўлган нарсаларини маълумдирлар.

АНАКСИМЕН — КАДИМГИ ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. МИЛОДДАН АВАЛЛИ 585 - 525 ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН.

КСЕНОФАН — КАДИМГИ ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. МИЛОДДАН АВАЛЛИ 580-450 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН.

Ксенофан тага «тун кийдиранди» ва ҳозиржаво бўлган. Кимдир иссиқ сувад яшотган илонбилкиларни кўрганлигини айтибди, Ксенофан шу заҳимлик айтибди: «Демак, уларни совуқ сувад пиширар канимиз-да».

Донлик кучдан афзалроқ... Эмпедокл койиниб, Ксенофанга — донишмандни топиб бўлмайдиган деганида, у жавоб берган: «Худди шундай, зеро, донишмандни топишнинг истасан кишининг ўзи донишманд бўлмоғи лозим».

МИЛОД — ЦЗИ — КАДИМГИ ХИТТОЙЛИК ФАЙЛАСУФИ. МИЛОДДАН АВАЛЛИ 579-499 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН.

Қақсоний сўзлар байроқини қўриқди, бирок, ҳақ қандайдир бошқа таслимотлар уларнинг ўрнини боса олмайдилар.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

Инсон, унда ҳаёт интилишини ҳаддан ташқари қучилдирилган, Улганми ҳам билмай қолади.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

47-ТИРАЖДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

Table with columns for lottery numbers (1TP, 2TP, 3TP, 4TP, 5TP, 6TP, 7TP, 8TP, 9TP, 10TP) and their corresponding prizes.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

47-ТИРАЖДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ КИСКА ЖАДВАЛИ

Table with columns for lottery numbers (1TP, 2TP, 3TP, 4TP, 5TP, 6TP, 7TP, 8TP, 9TP, 10TP) and their corresponding prizes.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

47-ТИРАЖДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

Table with columns for lottery numbers (1TP, 2TP, 3TP, 4TP, 5TP, 6TP, 7TP, 8TP, 9TP, 10TP) and their corresponding prizes.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

47-ТИРАЖДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

Table with columns for lottery numbers (1TP, 2TP, 3TP, 4TP, 5TP, 6TP, 7TP, 8TP, 9TP, 10TP) and their corresponding prizes.

BOSH MUHARRIR

Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI

- Abdulla ORIPOV
Abdulhalil JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV
Alimqul SULTONOV
Andrey ORLOV
Baxtiyor HAMIDOV
Rahima HAKIMOVA
Tolpebergen QAIPBERGENOV
Farhon OMONOV
Makhkamov OMAR oq'li

MUASSISA:



BO'LIMLAR:

- Siyosat va huquq - 133-44-55
Iqtisodiyot - 133-76-04
Ma'naviyat - 133-07-20
Xabar va ommaviy ishlar - 132-12-56, 133-65-16
Kotibiyat - 133-72-83
Reklama va e'lonlar - 133-38-55, 133-47-80
Faks - 133-73-43, 133-06-83
Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqq boshlagan.

VILOYAT MUHBIRLARI:

- Andijonda - 25-16-16
Buxoroda - 222-10-92
Gulistonda - 25-03-80
Jizzaxda - 5-49-85
Navoiyda - 3-39-20
Namanganda - 6-43-43
Nukusda - 222-70-12
Samarqandda - 35-20-54
Toshkentda - 36-53-16
Urganchda - 226-51-35
Farg'onada - 26-43-53
Qarshida - 4-61-35
Termezda - 3-79-98

MANZILIMIZ:

ZOOOOO. TOSHKENT. MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.
Gazeta «Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Oqtimasida 00004-raqam bilan ravzaxta olinadi.
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi.
«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tabiiy terixiy ruxsati bilan amalga oshiriladi.
G - 3002
Topshirish vaqti - 21.00.
Topshirildi - 21.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

«Ким? Качон?»
19 NOYABR
Эркат ШУКУРОВА — шоира.
20 NOYABR
Назулла ЖУРАЕВ (1952) — журналист, сийасат.
Элмурод РАСУЛОВ (1956) — Мулла Туйчи Ташмухамедов номидagi Кашкадарё вилоят мусикали театри артисти.
Хамдам ЭШОНКУЛОВ (1938) — ёзувчи.
Хожихон ШОКИРОВА — ёзувчи.
Султоношша УДАЕВА — Республикада хизмат кўрсатган артист.
21 NOYABR
Асрор МУХТОРОВ (1948) — Ўзбекистон халқ устаси.
Бахтиёр ИНОГАМОВ (1968) — «Тановар» дастаси созандаси.
22 NOYABR
Аббос КОСИМОВ (1970) — «Аббос» гуруҳи раҳбари.
Шукуралло ЭГАМБЕРДИЕВ (1978) — «Аббос» гуруҳи созандаси.
23 NOYABR
Дилбар ТУРҒУНОВА — ўқитувчи.
Фарход АЛИМОВ (1946) — «Аббос» гуруҳи созандаси.
24 NOYABR
Жумадулла РАМЕТОВ (1955) — Абдор Хидоят номидagi ўзбек давлат драма театри актёри.
Валерий МУСЛИМОВ (1951) — кинофильм директори.
25 NOYABR
Мақсуд МАНСУРОВ (1941) — киноактёр.
Ренат ГАЛИЕВ (1955) — постановкачи-кинорежисёр.
Масъуджон МАДАЛИЕВ (1948) — қандакор уста.
Абдунабир ҲАМРОЕВ (1968) — ёзувчи.
Ҳожиакбар НУРМАТОВ (1944) — Ўзбекистон халқ артисти.
Теша МҮМИНОВ (1949) — Ўзбекистон халқ артисти.
Сайёра ЗОХИДОВА — Республикада хизмат кўрсатган артист.
Эркин НИШОНОВ (1961) — «Баҳор» дастаси созандаси.
Феруза ХОЛМУРДОВА — «Тановар» дастаси рақосаси.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ
ДИҚҚАТ. ЯНГИЛИК! 2001 ЙИЛ 6 ДЕКАБРДАГИ 50 ТИРАЖДА УЙНАЛАДИ:
1 тур - 1 хонавий ўй (1500000 сўм)
2 тур - музлатки (900 000 сўм)
3 тур - 1 хонавий ўй (1500000 сўм)
4 тур - «Некси» автомобили.
5 турдан 9 тургача ҳар бир ютуқ соҳибга телевизор, ва қолган турларда катта пул ютуқлари.
«ЯХШИ НИЯТ» чипталари янги газетга дўкўнларидан ва чипта тарқатувчилардан сотиб олиш мумкин.
Ютуқлар Мировот тумани Халқ банки бўлими омонат касалари ва «Лаура» ХФ ҳамда чипта тарқатувчи томонидан ҳар кунги ақшанбадан ташқари тираж ўйналагандан кейин 10 кундан сўнг берилди.
Ташқари шарафиди омонат касалари: 1. Опер. ким: Нукус - Кафанов Ҳасан, 2. Тел.: 152-55-16. 2. № 14/051: Туркистон қўчаси, 7. Тел.: 199-79-83. 3. 14/0232. А. Фитрат қўчаси, 8. Тел.: 191-47-63. 4. № 14/0359. Қўйлик-4-50. Тел.: 90-37-33. 5. № 14/0583. Миробоз боғи, 2-қават.